

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА РАЙХОН АБДУЛЛАЕВНА

МУҲАММАД РАСУЛ МИРЗО ВА УНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in
Philological sciences**

Файзуллаева Райхон Абдуллаевна
Муҳаммад Расул Мирзо ва унинг адабий мероси.....5

Файзуллаева Райхон Абдуллаевна
Мухаммад Расул Мирзо и его литературное наследие.....25

Fayzullaeva Raykhon Abdullayevna
Muhammad Rasul Mirzo and his literary heritage.....49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....53

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВА РАЙҲОН АБДУЛЛАЕВНА

МУҲАММАД РАСУЛ МИРЗО ВА УНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2019.4.PhD/Fil286 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида qarshidu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Шодмонов Нафас Намозович филология фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Жўрақулов Узоқ Хайдарович филология фанлари доктори Алимухамедов Рихситилла Абдурашидович филология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги Илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «19» декабрь соат 8 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@uamail.uz). Қарши давлат университети, Филология факультети фаоллар зали.

Диссертация билан Қарши давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (32 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси 17. Тел.: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail: qarshidu@uamail.uz).

Диссертация автореферати 2020 йил «09» декабрь кuni тарқатилди.

(2020 йил 09 декабрь даги 31 рақамли реестр баённомаси).



Х.Жабборов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф.ф.д.
Г.Н.Тожиева
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.ф.д. (PhD)
Д.Тўраев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида миллий ва маданий ранг-барангликни сақлаш тамойиллари устуворлигини таъминлашда асл манбаларга таяниб иш кўриш муҳим ўрин тутди. Бунда миллий, маданий, адабий, тарихий ва диний кадриятларни ўзида мужассам этган қўлёзма манбаларни излаб топиш, адабиёт илмининг соҳалари бўйича маълумотлар жамлаш ва истеъмолга олиб кириш муҳим илмий аҳамиятга эга. Мумтоз поэтиканинг асрлар давомида сайқал топган унсурларини янги бадиий кашфиётлар муҳитида ривожланиш тенденцияларини илмий-назарий таҳлилдан ўтказиш миллий адабий фанлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида адабий сиймолар ҳаёти ва фаолиятига оид фактик материалларидан бадиий ижод тарихи, шунингдек, адабий манба яратилиши асоси сифатида истифода этилишини назарда тутувчи илмий қарашлар барқарор устувор ўрин тутиб келмоқда. Бунда ижодий жараёндаги психологик босқичларни бевосита бирламчи матнлар орқали текшириш катта аҳамиятга эгаллиги кўринмоқда. Шунингдек, мумтоз ижодкорлар бадиий тафаккури маҳсули бўлган адабий ҳодисалар нозикликлари содир бўлишини муаллиф феноменологик омиллари асосида янгиликларни қўлга киритишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бундай психологик ва феноменологик текширувларда адабий анъана, издошлик ҳамда новаторлик масалаларини асосий эътиборда тутишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигида XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ўтган ижодкорлар асарларини ўрганишнинг янги босқичи бошланди. Тошкент, Самарқанд, Фарғона водийси, Бухоро ва Хоразм адабий муҳитида яшаб ижод қилган маърифатпарвар ижодкорлар адабий меросини илмий муомалага олиб кириш ва кенг тарғиб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, бироқ ҳали бу давр адабий материаллари орасида тадқиқ этилиши лозим бўлган мавзу ва адабий сиймолар талайгина экани ҳам сир эмас. “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти кўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак. Аждодлар меросини ўрганиш, бой маданиятимизга муносиб буюк адабиёт яратиш учун ҳамма шароитларни ҳозирлаймиз”¹. XIX аср охири ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитида етишиб чиққан адабий сиймолар ижодининг ўзбек мумтоз адабиёти тараққиёти тарихида тутган ўрнини кўрсатиб бериш ва адабий меросининг ғоявий-бадиий, поэтик жиҳатларини очиб бериш мумтоз адабиётшуносликнинг ривожланиш тамойилларини белгилашда илмий зарурат сифатида баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонининг очилишида сўзлаган нутқи. / Халқ сўзи, 2020, 21 май, №106 (7608).

Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорлари, “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори” мавзусидаги маърузасида ҳамда соҳага тегишли бошқа меъриёв-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. XIX аср Хоразм адабиёти ўзбек адабиётшунослигида маълум миқёсда тадқиқ этилган. Хусусан, Мунис, Огаҳий, Рожий, Комил, Феруз, Роқим, Табибий, Баёний, Аваз, Ниёзий, Роғиб, Комёб каби шоирлар ижоди анча изчил ўрганилган. Бироқ ўзбек адабиётшунослигининг ҳеч бир аспектида шу даврнинг яна бир истеъдодли ижодкори Муҳаммад Расул Мирзо адабий меросининг илмий таҳлили ва тадқиқи амалга оширилмаган.

Ўз даврида Аҳмад Табибийнинг “Мажмуа-т уш-шуаро (йи Ферузшоҳий)”² ва “Муҳаммасоти мажмаъ аш-шуаройи Ферузшоҳий”³, Ходим – Бобожон Тарроҳнинг “Хоразм шоир ва навозандалари”⁴, Лаффасийнинг “Хива шоир ва ёзувчиларининг таржимаи ҳоллари”⁵, “Хива шоирлари”⁶, Пўлатжон Қайюмийнинг “Тазкираи Қайюмий”⁷ тазкираларида Мирзо тўғрисида маълумотлар берилиб, шеърларидан намуналар келтирилган.

²ЎЗР ФА ШИ фонди, инв. № 1152, 5018 (қўлёзма); 27, 28 29, 8734, 11238 (тошбосма).

³ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 1134.

⁴Ходим, Бобожон Тарроҳ. Хоразм шоир ва навозандалари (Табдил қилиб, нашрга тайёрловчилар А.Отамуродова, О.Абдурахимов). –Тошкент: Tafakkur qanoti, 2011. – Б.191.

⁵ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 12561.

⁶ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар фонди, инв. № 9494.

⁷Қайюмов, Пўлатжон Домулло. Тазкираи Қайюмий. III жилдлик. III жилд. –Тошкент.:ЎЗР ФА Қўлёзмалар институти нашриёти, 1998. – Б.535-538.

Мирзо таржимаи ҳоли, адабий мероси, ўз даври адабий ҳаётида тутган ўрни ҳақида ўзбек адабиётшунослигига оид тадқиқотларда, хусусан, ўзбек адабиёти тарихига доир дарслик ва ўқув қўлланмаларда ҳам маълумот кам учрайди. Жумладан, “Ўзбек адабиёти” антологияси 5 томлигида Мирзо асарларидан намуналар берилган. Мазкур тўпламда Р.Мажидий шоирнинг ҳаёт йўли ҳақида қисқагина маълумот бериб, намуна сифатида шоирнинг 7 ғазали, Феруз ғазалига мухаммаси, битта маснавийси ҳамда Фузулийнинг “Ҳафт жом” асари таржимасидан олинган “Сетор билан мунозара баёни” номли маснавийсини келтиради. Ўзбекистон энциклопедияларининг икки нашрида⁸ ҳам Мирзо ҳақида қисқагина маълумот бериш билан чекланилган.

Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида адабиётшунос Б.Давлетов томонидан ёзилган дастлабки илмий мақола “Мирзо” сарлавҳаси билан эълон қилинган⁹. Мазкур мақола шоир шахсияти, унинг асарлари манбалари, шеърятининг ғоявий-бадиий мазмуни, поэтик маҳорати ва Мирзо фаолиятининг турли қирралари таҳлил қилинган нисбатан мукамал тадқиқот ҳисобланади. Адабиётшунос Ю.Юсуповнинг “Муҳаммад Расул Полвонниёз ўғли Мирзо” номли мақоласида Мирзонинг ҳаёти ва мусиқашунослик, таржимонлик, хаттотлик фаолияти ҳамда шеърятининг тўғрисида ихчам маълумот келтирилади¹⁰. Ж.Шарипов “Ўзбекистонда таржима тарихидан”¹¹ монографияси ва Н.Комилов “Бу қадимий санъат”¹² номли китобида, асосан, Мирзо таржималарига эътибор қаратган. М.Юнусов Комил Хоразмий ижоди борасида сўз юритиб, Мирзо ижоди тўғрисида айрим қайдларни келтириб ўтади¹³. Шунингдек, адабиётшунос С. Ҳасанов ҳам Комил Хоразмий ва Муҳаммад Расул Мирзонинг маърифий-ахлоқий қарашлари” мақоласида Мирзо ижоди тўғрисида мухтасар маълумот беради¹⁴.

Бундан ташқари, Хоразм адабий муҳити ва давр ижодкорларининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида яратилган бир қатор илмий-тадқиқот ишларида ҳам турли муносабат билан Муҳаммад Расул Мирзо санокларда қайд этиб ўтилган¹⁵.

Келтирилган адабий ва илмий манбалардан ташқари, ҳозирча бошқа бирор тадқиқотда Мирзо шахсияти ва ижоди ҳақида маълумот учрамайди. Бинобарин, ҳозирга қадар шоир ҳаёти ва фаолияти махсус ўрганилмаган.

⁸Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 5-жилд. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, –Тошкент: 2003. – Б. 698. // ЎзСЭ. 14 жилдлик. 7-жилд, –Тошкент: 1976. – Б. 270.

⁹Давлетов Б. Мирзо // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1962. -№4. – Б. 61-63.

¹⁰Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1967. – Б.72-77.

¹¹Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. –Тошкент: Фан, 1965. – Б. 115-116.

¹²Комилов Н. Бу қадимий санъат. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б. 192

¹³Юнусов М. Комил Хоразмий. –Тошкент: Фан, 1960. – Б. 38.

¹⁴Ҳасанов С. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 277-278.

¹⁵Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. IV том. I китоб. –Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1960.; Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. III китоб. –Тошкент: Ўқитувчи, 1964.; Қосимов Б. ва бошқ. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. –Тошкент: Маънавият, 2004.; Ганихўжаев Ф. Аҳмаджон Табибийнинг ҳаёти ва ижоди: филол. фанл. номз... дисс. –Тошкент, 1969.; Исмоилова Г. Феруз даври адабий муҳити: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1995; Ҳажиева И.А. “Ҳафт шуаро” мажмуасининг Хоразм адабий муҳитидаги ўрни”: филол. фанлари номз... дисс.; Маткаримова С.Қ. Табибий – таъкиранивис (“Мажмуаи си шуаройи пайрави Ферузшоҳий” асосида): филол. фан. номз... дисс.; Қобулов Н. Хоразм адабий муҳити. – Урганч: 1992.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Адабий ҳодисаларнинг тарихий тадрижи ва назарий тараққиёти масалаларини ўрганиш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Муҳаммад Расул Мирзо ижодининг ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳамда адабий меросининг ғоявий-бадий, поэтик жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XIX аср охири ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитида издошлик анъанаси ва унинг Мирзо ижодига таъсири масаласини ўрганиш;

Муҳаммад Расул Мирзо ҳаёти ва фаолиятига доир манбаларни тўплаш; шоир ҳаёти ва фаолиятига доир тўпланган манбаларни таҳлил ва тасҳих қилиш;

Муҳаммад Расул Мирзонинг муфассал таржимаи ҳолини яратиш;

Мирзо илмий ва адабий меросининг умумий кўламини аниқлаш, уларни таснифлаб, мавжуд маълумотларни тавсифлаш ва тизимлаштириш;

Мирзонинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини белгилаш;

шоир шеърятини мавзуй тасниф асосида таҳлил қилиш;

Мирзо шеърятининг жанрий таркиби ва бадий хусусиятларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти Муҳаммад Расул Мирзо ижодидан нашр қилинган намуналар; ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида бир неча нусхаларда сақланаётган “Девони Мирзо”, “Марғубу-н-нозирин” номли девонлари (№№ 904/II, 911/I, 1125, 1500, 6947, 7089/I рақамли қўлёзма ва №№ 31, 47, 48, 49, 10278, 10279 рақамли тошбосмалар), шунингдек, Мирзо шеърлари киритилган баёзлардан иборат.

Тадқиқотнинг предметини Муҳаммад Расул Мирзо девони таркибига кирувчи турли лирик жанрдаги шеърлар, уларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари, анъана ва издошлик масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация илмий-таҳлилий ва қиёсий-типологик, социологик ва статистик усуллар асосида бажарилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

ўзбек адабиётида Муҳаммад Расул Мирзонинг таржимонлик, хаттотлик, муסיқашунослик ва шоирлик фаолиятлари билан шуғулланган юксак салоҳиятли адабий сиймо бўлгани исботланган;

шоирнинг XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларидаги Хоразм адабий муҳитида тутган юксак мавқеи “Девони Мирзо” ва “Марғубу-н-нозирин” девонлари талқинлари асосида очиб берилган;

Муҳаммад Расул Мирзо ижодида мумтоз шеърятга хос аруз вазни билан бир қаторда халқ оғзаки ижоди, хусусан, Хоразм дostonчилиги таъсиридаги бармоқ вазнида ҳам ижод қилгани аниқланган;

шоир шеърятини тили ва услуби мумтоз анъаналарнинг ҳамда бадий тафаккурнинг ғоявий-бадий жиҳатдан янгиланишида муҳим ижодий тажрибалардан бири бўлгани илмий далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Муҳаммад Расул Мирзо ижодининг шаклланиш манбалари, ўрганилиш тарихи ва унинг ўзбек мумтоз адабиёти тарихида тутган ўрни ёритилган; шоир девонининг ғоявий мазмуни ва композицион тузилиши очиб берилган;

Мирзо поэтик меросининг ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарига бўлган муносабати ёритилиб, салафлар ижодидан таъсирланиш қирралари аниқланган;

шоир ижодидаги бадиий тасвир воситаларининг бадиий матн мукамаллигини таъминлашдаги аҳамияти кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги хулосаларнинг илмий-таҳлилий, қиёсий-типологик, социологик ва статистик методлар билан асосланганлиги, муаммонинг аниқ қўйилганлиги, Муҳаммад Расул Мирзонинг Хоразм адабий муҳитида ўзига хос из қолдирганлиги ҳақидаги манбалар ва муаллиф девонига таянилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Феруз даври адабий муҳити ва Муҳаммад Расул Мирзо ижодини филологик аспектда илмий ўрганишда, шунингдек, у яшаган давр миллий адабиёти, бадиий таржима, мусиқа илми, хаттотлик санъати асарларини ёритиб беришда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятидан олий ва ўрта таълим тизимида “Ўзбек адабиёти тарихи” фани бўйича дарслик, ўқув қўлланма ва мажмуаларни яратиш, шунингдек, махсус курслар ташкил этиш ҳамда ўқув адабиётлари тайёрлашда фойдаланилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Муҳаммад Расул Мирзо ва унинг адабий мероси тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

шоирнинг XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларидаги Хоразм адабий муҳитида тутган мавқеини белгилашда “Девони Мирзо” ва “Марғубун-нозирин” девонлари талқинлари ҳақидаги илмий натижаларидан ОФ-Ф8-027 рақамли “Кўлёзма манбаларнинг миллий, маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги (2007-2011) фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги №89-03-2579-сон маълумотномаси). Натижада мазкур манбалар миллий, маънавий ва адабий меросга доир маълумотларнинг тўлдирилишига хизмат қилган;

Муҳаммад Расул Мирзо девонининг жанрий, ғоявий-бадиий хусусиятлари ҳамда шоирнинг образ, қофия ва бадиий санъатларни қўллаш маҳоратига доир илмий маълумотларидан ОТ-Ф8-002 “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” (2007-2011) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги №89-03-2579-сон маълумотномаси). Натижада Муҳаммад Расул Мирзо шеърияти миллатнинг маънавий дунёқарашини очиб берувчи восита эканлиги илмий жиҳатдан бойитилган;

Ўзбек адабиётида Муҳаммад Расул Мирзонинг таржимонлик, хаттотлик, мусиқашунослик ва шоирлик фаолиятлари билан шуғулланган юксак салоҳиятли адабий сиймо эканлигига оид хулосаларидан Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси “Олтин воҳа” радиосининг “Илдизлар ва япроқлар” эшиттириши сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 23 октябрь 854-сон маълумотномаси). Натижада эшиттиришлар маърифий ва амалий жиҳатдан бойиган.

Тадқиқот натижаларининг апробациялари. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика, 1 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 138 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Хоразм адабий муҳити ҳамда Муҳаммад Расул Мирзо ижодий фаолияти: манбалар таснифи, маълумотлар тавсифи ва уларни тизимлаштириш”** дея номланган бўлиб, 2 фаслдан иборат. Биринчи фаслда **“XIX аср охири ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитида издошлик анъанасининг сақланиши”** ҳақида сўз боради.

XIX аср охири ва XX аср бошлари Хоразм адабий муҳити вакиллари Мунис, Огаҳий, Комил, Рожий, Табибий каби қатор шоирлар Навоий, Жомий, Фузулий сингари туркий ва форсий адабиётнинг улкан намояндлари шеърятдан илҳом олиб татаббуънавислик, назиранависликнинг гўзал намуналарини яратдилар. Буни турли йўналишларда кўришимиз мумкин:

1.Тарихий-бадий асарлар таржимаси. Шермуҳаммад Мунис бошлаган таржимонлик ишини, Муҳаммадризо Огаҳий, Муҳаммад Юсуф Рожий Хоразмий, Муҳаммад Назар ҳамда Комил Хоразмийлар ниҳоясига етказдилар. Муҳаммад Фузулийнинг “Ҳафт жом” (Етти жом) достони таржимасига Табибийдан сўнг Комил Хоразмийнинг ўғли Муҳаммад Расул

Мирзо ҳам қўл уради. Бундан ташқари, Мирзо отаси Комил мурожаат қилган туркман ёзувчиси Бархурдор Мумтознинг “Раъно ва Зебо” номли асарини таржима қилади. Мирзонинг шу ва бошқа таржималари хусусида кейинги фаслларда батафсил маълумот берилади.

2. Адабий мавзулар ва ғоянинг давом эттирилиши. Диссертацияда Хива адабий муҳитидаги анъанавийликнинг адабий мавзу ва ғоя асосидаги ривожи кўпгина шоирлар ижоди мисолида ёритилган.

Тадқиқ этилаётган давр шоирлари ижодида сезилиб турган ўзаро ҳамоҳангликни Муҳаммад Расул Мирзо шеърларида ҳам кўриш мумкин. У ҳам замондошлари каби ишқий мавзуларга кўп бора мурожаат қилади, инсоний ҳис-туйғуларни улуғлаб, маърифатпарварлик, адолатпарварлик ғояларига урғу беради.

Бизнингча, шоир шеърияти, хусусан, татаббуъларида тилга олинган мавзулар доирасини қуйидагича таснифлаш тўғри бўлади: 1) ирфоний; 2) ишқий; 3) ахлоқий-фалсафий; 4) табиат ва фасллар тасвири.

Мисол сифатида Мирзо девонидаги дастлабки ҳамд ғазали анъанавий мавзуда яратилган бўлиб, унинг Навоий шеъриятдан таъсирланиши юқориликни кўрсатганини айтиш мумкин:

Зиҳи аввалки йўқдур аввалиға ибтидо пайдо,
Анингдекдурки, эрмас охириға интиҳо пайдо¹⁶.

3. Лирик жанрлар тараққиётида издошлик. Навоийдек буюк шоир ғазалларига татаббуъ ва тахмислар боғлаш, табиийки, кучли маҳорат билан ёндашувни талаб этади. Хоразм адабий муҳити шоирларига издош бўлган Муҳаммад Расул Мирзо ҳам буюк салафлари қаторидан жой олди.

Мирзо девонидаги мухаммаслар жами 26 та бўлиб, уларни уч қисмга ажратиб ўрганиш мумкин: Навоий ғазалларига, замондошлари ғазалларига боғланган ва таъби худ мухаммаслар.

Мирзонинг ғазал моҳиятини тўғри англай олиши, руҳан ва бадиий маҳорат жиҳатидан бундай масъулиятга тайёрлиги шоир мухаммасларининг бадиий жиҳатдан юксак бўлишини таъминлаб берган. Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги мисраларни келтирамиз:

Мани ошиқларининг зумрасидан интиҳоб айлаб,
Висолиға етурмакликни билкулл иртиқоб айлаб,
Фироқ ўтиға ағёр аҳлини жисмин кабоб айлаб,
Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул юза хўйидин гулоб айлаб. [37^а]

Мирзо ўз замондошлари Огаҳий, Комил, Феруз, Фаррух каби истеъдодли шоирлар ғазалларига вазни, қофияси, радифи, энг муҳими, ғоя ва мавзусини сақлаган ҳолда мухаммаслар яратди. Қолган мухаммасларнинг барчаси таъби худ мухаммаслардир.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “Муҳаммад Расул Мирзо ҳаёти, фаолияти ва меросига доир манбалар таснифи, маълумотлар тавсифи ва

¹⁶Мирзо Муҳаммад Расул. Девон. ЎЗР ФА ШИ. 911/1 рақамли қўлёзма. – Б.1^б. (кейинги ўринларда факат саҳифалар кўрсатилади)

уларни тизимлаштириш” деб номланган. XIX аср охири XX аср бошлари Хива адабиёти, санъати ва муסיқа маданияти тарихида Муҳаммад Расул Мирзонинг ўзига хос ўрни бор. Шоирнинг асл исми Муҳаммад Расул бўлиб, у ўзбек адабиётининг йирик вакили Паҳлавонниёз Комил Хоразмийнинг ўғлидир. Мирзо унинг адабий тахаллуси ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мирзо ҳаёти ва унинг ижодий фаолияти монографик кўламда тадқиқ қилинмаган. Унинг биографиясига доир манбаларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

I. Тазкира ва тарихий асарлардаги маълумотлар. Мазкур манбалар, аввало, Мирзонинг Хоразм маданияти таракқиётида ўз ўрнига эга эканлигини кўрсатади. Жумладан, Аҳмаджон Табибийнинг “Мажмуаи си шуарои пайрави Ферузшоҳий” тазкирасида Мирзо тўғрисида ҳам умумий характердаги айрим маълумотлар, “Муҳаммасоти мажмуат уш-шуарои Ферузшоҳий” тазкирасида эса, асосан, Муҳаммад Расул Мирзо шахсияти ва ижоди тўғрисида маълумотлар қаламга олинади. Бу жиҳатдан Мирзо ҳақидаги қуйидаги байтлар характерлидир:

Чу Мирзодурур фазл эли акмали,
Эрур назму наср ичра эл афзали.
Дағи олими фикҳ, нутқу усул,
Келиб оти мулла Муҳаммад Расул.
Чу мирзабошилиғ амалдур анго,
Эрур мусиқий илми ҳам ҳал анго¹⁷.

Ёки: Бири назм аҳлида Мирзо эрур,
Бадоеъда асру тавоно эрур¹⁸.

Муҳаммад Раҳимхон саройида катта нуфузга эга бўлган серқирра истеъдод соҳиби Аҳмаджон Табибийнинг Мирзо ижодига, бадиият бобидаги ўткир истеъдодига юксак баҳо бериши шоирнинг ўз даври адабий муҳитида алоҳида ўрин эгаллаганини кўрсатади.

Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий” асари, Лаффасийнинг “Хива шоир ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари”, Бобожон Тарроҳ – Ходимнинг “Хоразм навозандалари” ва Пўлатжон Домулло Қайюмовнинг “Тазкирайи Қайюмий” тазкираларидаги Мирзо ҳақида берилган маълумотлар ҳам унинг ўз даври адабий ва ижтимоий ҳаётида муҳим шахс эканини далиллайди.

Ходимнинг “Хоразм навозандалари” тазкирасидаги Мирзо ҳақидаги маълумотларда илмий асосга эга бўлмаган фикрлар ҳам тилга олинади: “У 40 ёшларидан бошлаб шоирлик билан шуғуллана бошлағон. Бунга сабаб шулким, у Муҳаммад Раҳимхонга тобе бўлиб, отасининг вафотидан кейин унинг ўрнига ўтиш учун шоир бўлғон”. Баъзан эса тахминий фикрлар ҳам баён қилинган: “70 йилча умр кўрган бўлса, эҳтимол”¹⁹. Кичкина доирадаги тадқиқот асосида

¹⁷ Табибий Аҳмаджон. Муҳаммасоти мажмуат уш-шуарои Ферузшоҳий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма, инв. № 1134. – Б. 396.

¹⁸ Табибий Аҳмаджон. Муҳаммасоти мажмуат уш-шуарои Ферузшоҳий. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзма, инв. № 1134. – Б. 400.

¹⁹ Тарроҳ Бобожон. Хоразм навозандалари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – Б. 45-46.

айтилган бу фикрларни Хоразм адабий муҳитига оид кейинги тадқиқотларнинг барчаси инкор этади. Ҳақиқатан, Мирзонинг турли жанрларда самарали ижод қилгани, салоҳиятли шоир экани қатор илмий асослар билан исботланган²⁰.

II. Илмий тадқиқот ишларида акс этган маълумотлар. Муҳаммад Расул Мирзо ҳаёти ва ижодий фаолияти алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган бўлса-да, матбуот саҳифаларида турли муносабат билан чоп этилган мақолаларда Мирзо ҳаёти ва меросига муносабат билдирилган.

Б. Давлетовнинг “Мирзо” номли илмий мақоласида²¹ Мирзонинг илмий ва адабий-бадиий, ижтимоий фаолиятининг барча жабҳалари ҳақида сўз юритилган. Ушбу мақолада илмий жиҳатдан мунозарали айрим қайдлар ҳам учрайди. Масалан, муаллиф Ўз РФА ШИ фондида шоир девонларининг тўрт нусхаси мавжудлиги тўғрисида ёзади. Изланишларимиз натижасида мазкур фондда ўнга яқин қўлёзма, кўплаб тошбосма нусхалари ва ўнлаб баёзлар аниқланди²². Бу мақола Мирзо ҳаёти ва илмий мероси, шоир девонларининг қўлёзма манбалари билан боғлиқ дастлабки маълумотларнинг берилиши билан муҳимдир.

Адабиётшунос С. Ҳасанов “Комил Хоразмий ва Муҳаммад Расул Мирзонинг маърифий-ахлоқий қарашлари” номли мақоласида²³ Мирзонинг мусиқий мероси, шоир шеърларининг мавзу кўлами ва ғоялари тўғрисида фикр юритиб, айрим шеърларини таҳлилга тортади.

Ф. Ганихўжаевнинг “Аҳмаджон Табибий (Ҳаёти ва ижоди)” номли монографияси²⁴, Н. Комилов “Бу қадимий санъат” асарида²⁵ Муҳаммад Расул Мирзонинг таржима асарларига эътибор қаратилган.

“Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи” китобида, асосан, Мирзонинг хаттотлик ва ноширлик фаолиятига диққат қилинган бўлиб, “Девони Рожий” (1879), “Девони Холис” (1880), “Девони Феруз” (1879), “Чаҳор китоб” (1880) каби асарларнинг чоп этилишида масъул муҳаррир этиб тайинлангани айтилади²⁶. Бу маълумот Муҳаммад Расул Мирзо фаолиятининг яна бир қиррасини очиб бергани ва Ўзбекистонда матбаа ва матбаачилик тарихини ўрганишда муҳимлиги билан аҳамиятлидир.

Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Муҳаммад Юсуф Девонзоданинг “Хоразм мусиқий тарихчаси” рисоласи²⁷ Мирзонинг нафақат моҳир созанда, истеъдодли бастакор, балки мусиқашунос олим сифатида Хоразм мусиқа ва маданияти тарихида тутган ўрнини белгилашда муҳим ўрин тутади. Бу асарда

²⁰Қаранг: Долимов С. Алишер Навоий ва XIX аср Хоразм шоирлари // Маърифат фидойиси (С. Долимов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан). – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б. 83.

²¹Давлетов Б. Мирзо. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1962 йил, 4-сон. – Б. 59-62.

²²Мирзо девонининг турли нусхалари, турли жанрларда яратилган шеърлари ўрин олган баёзларнинг тавсифи тўғрисида кейинги бобда батафсил тўхталамиз.

²³Ҳасанов С. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б. 271-279

²⁴Ганихўжаев Ф. Аҳмаджон Табибий (Ҳаёти ва ижоди). – Тошкент: Фан, 1978. – Б. 49-55.

²⁵Комилов Н. Бу қадимий санъат. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б. 192

²⁶Эркинов А., Полвонов Н., Аминов Х. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – Б. 234.

²⁷Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммад Юсуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. – Тошкент: Ёзувчи, 1998.

шоир вафоти санаси аниқ кўрсатилган: “Ҳижрий 1340 йили шаъбон ойининг еддиланжиси (1922 йил 5 апрель – Р.Ф.) пайшанба куни саксон уч ёшида вафот қилди”.

С.Маткаримованинг “Табибий – тазкиранавис (“Мажмуаи си шуаройи пайрави Ферузшоҳий” асосида)” мавзуидаги номзодлик диссертацияда Мирзонинг кўзга кўринган сарой амалдорларидан бири бўлгани, саройнинг истеъдодли шоири сифатида турли жанрларда ижод қилгани ва Феруз ғазалларига битган татаббуълари ҳақида айтиб ўтилади.

Мирзо яшаган давр адабий муҳити тадқиқотчиси Г.Исмоилова ўз диссертациясида қатор шоирлар қаторида Мирзо номини икки-уч ўриндагина тилга олади.

Тадқиқотчи И.Ҳажиеванинг “Ҳафт шуаро” мажмуасининг Хоразм адабий муҳитидаги ўрни” номли номзодлик диссертациясида “Ҳафт шуаро”нинг адабиётшунос С.Раҳимов кўлидаги нусхасида Мирзонинг ғазаллари 156-200 саҳифаларга киритилгани, Хива давлат музейидаги нусхада ҳам шоир шеърлари борлиги қайд этилган.

Ю.Юсуповнинг “Муҳаммад Расул Полвонниёз ўғли Мирзо” номли мақоласи²⁸ Мирзо ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар аниқ манбаларга асосланиб далиллангани билан аҳамиятли. Шу сабабли мазкур мақоладан кейинчалик қомусий нашрлар учун ҳам манба сифатида фойдаланилган.

Шўро даврининг илк йиллариданоқ Мирзо ҳаёти ва ижодий-илмий фаолияти мутахассисларни қизиқтира бошлаганини Мирзо фаолияти ва унинг муסיқий ишларига бағишланган “Аланга” журналининг 1928 йил 4-сони ва “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” журналининг 1939 йил 2-сонида эълон қилинган мақолалар орқали билиш мумкин. Бироқ барча ўринда ҳам Мирзо фаолиятига холис баҳо берилмаган.

Мазкур манбаларда Мирзо ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид маълумотлардаги айрим фактик хатоликлар, ҳар хилликлар ўзаро қиёсланиб, шоирнинг нисбатан мукамал таржимаи ҳоли яратилди.

“Муҳаммад Расул Мирзо мероси таснифи, талқинлари ва жанрий таркиби” деб номланган **II бобнинг 1-фаслида “Муҳаммад Расул Мирзо меросининг тасниф ва талқинлари”** амалга оширилди. Унинг таржима асарлари, муסיқашунослик, хаттотлик ва ноширлик соҳаси билан боғлиқ асарлари, лирик мероси таснифланиб, таҳлилга тортилди.

“Ҳафт жом” (Фузулий) асарининг Мирзо таржимаси ўзининг равон услуби билан ажралиб туради. Унда Табибий таржимасидагидек ҳикоятлар келтирилмайди, ҳар бир жом кайфиятидан сўнг маълум бир муסיқа асбоблари ҳамда мутриб билан мунозара баёни келтирилади. Мирзо асосий матни 268 байтдан иборат мазкур таржимада Фузулий илгари сурган ғояни, асарнинг мантиқий бутунлигини сақлашга ҳаракат қилади.

Мирзонинг бевосита ўзи иштирокида юзага келган ЎЗР ФА ШИ фондида сақланаётган 1500 ва 6947 рақамли қўлёзмалар муаллифнинг турли изоҳлари қайд этилгани билан муҳимдир. 1500 тартиб рақамли қўлёзмада муаллиф

²⁸Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. – Б. 72-77.

Бархурдор Туркман ал-мутахаллис бил-Мумтознинг “Раъно ва Зебо” китобини, Фузулийнинг “Соқийномаси”ни, “Тиб” китобидин “Тухфату-л-мўминин”нинг бир дафтарини, ҳадис китобидан Мавлавий Абдулҳақнинг “Фазойилу-л-Қуръон”ини, “Шамсу-л-маориф” китобининг икки бўлагини, “Дақойиқу-л-ахбор” китобини форс ва араб тилларидан туркий тилига таржима қилганини ёзади. 9591 тартиб рақамли қўлёзмада “Шамсу-л-маориф” асарининг 1-қисми (14 боб) берилган. Шу қўлёзманинг 5-б варағида “*Мулла Паҳлавонниёз марҳумининг ўғлидурманким, мулақаб*и “*чаффанавис*” деган изоҳдан Мирзонинг чап қўлда ҳам хушхат хаттот бўлганини билиб оламиз.

Мусиқанавислик ҳам Мирзо фаолиятининг сермахсул йўналишларидан бўлиб, у отаси Паҳлавонниёз Комил ихтиро этган шашмақом чизиклари – нотани қоғозга кўчириб, китоб ҳолига келтирди. Мирзо ярим мақом ҳисобланган “Панжгоҳ” мақомига яна бир қанча куйларни кўшиб, уни бир мақом ҳолига келтириб, мақомлар сонини еттигага етказди. Мирзо бастакор сифатида “Рост” мақомига “Сабъ” ва “Уфори” номли икки куй басталагани маълум. Адабиётшунос Ю.Юсуповнинг маълумот беришича, Муҳаммад Расул Мирзо танбур ва ғижжакда фавқулодда зўр маҳорат ва истеъдодга эга бўлган, усул-чилдирма чалишда ҳам катта маҳорат қозонган, шунингдек, мусиқада Феруз (Муҳаммад Раҳимхон II) нинг устози бўлган²⁹. Мусиқага доир мўътабар манбаларда “Муҳаммад Расул Мирзо Хоразм мусиқийсининг биринчи ислоҳотчиси ҳам нигоҳбони ва муҳофизи деб ҳисобланса, ўрни бордир”, деган фикр қайд этилган³⁰. Бу таърифларнинг ҳар бири Мирзонинг мусиқадаги фаолиятининг расмий эътирофларидир. У умрининг қарийб 40 йилини отасининг бастакор сифатидаги ишларини давом эттиришга, яъни Хоразм мақомларини нотага тушириш ишига бағишлаган.

Мирзо отасининг вафотидан сўнг саройда мирзабоши вазифасида фаолият юритгани боис хонликдаги хаттотлик ва ноширлик ишларида бевосита бош-қош бўлган. Хоннинг буйруғига кўра Саъдий, Ҳофиз, Умар Ҳайём рубоийларини оққа кўчирган. Навоийнинг “Хамса”, “Хазойину-л-маоний” асарлари Мирзо таҳрири остида нашр этилган.

“Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз ниҳоятда нодир ва йирик асарларни нашрга тайёрлаш ва чоп этишни Муҳаммад Расул Мирзога ишониб топширган. Сарой қошидаги литографиянинг иш жараёни, нашриёт ишлари, назорати ҳам унинг зиммасига юклатилган. Мирзо нашрга топширилган қўлёзмаларни синчиклаб текшириб, ўзи саралаб, кўриқдан ўтказган, айрим асарларни қайта кўчирган. Шу боис кўпгина тошбосма асарларда Муҳаммад Расул Мирзо сўзбошисини учратиш мумкин”³¹.

Муҳаммад Расул Мирзо асарларини тўплаш дастлаб шоирнинг ўзи томонидан амалга оширила бошланган. Мирзо лирик мероси мавжуд манбаларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

²⁹Юсупов Ю. Хоразм шоирлари. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967. – Б. 73.

³⁰Қаранг: Мулла Бекжон Раҳмон ўғли, Муҳаммадосуф Девонзода. Хоразм мусиқий тарихчаси. – Тошкент: Ёзувчи, 1998; Матёқубов О., Болтаев Р., Аминов Х. Ўзбек нотаси. – Тошкент: 2007. – Б. 65.

³¹Матяқубова М. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида Хива хонлигида китобат ва кутубхона тарихи: Тарих фан. ном...дисс. – Урганч, 2008. – Б. 140.

1. Мирзо девонларининг кўлёзма ва тошбосма нусхалари. ЎзР ФА ШИ фондида Мирзонинг бизгача етиб келган бир-биридан кескин фарк қилмайдиган “Девони Мирзо” ва “Марғубу-н-нозирин” номли девонларнинг бир нечта кўлёзма (№ 904/II, 911/I, 1125, 1500, 6947, 7089/I рақамли) ва тошбосма нусхалари (№ 31, 47, 48, 49, 10278, 10279 рақамли) сақланади.

2. Мирзонинг замондошлари томонидан тузилган баёзлар. Уларни жанрий таркибига кўра шоир ғазаллари, мухаммаслари, мусаддаслари, турли жанрдаги шеърлари киритилган баёзларга бўлиш мумкин.

3. Тазкиралар. Аҳмадjon Табибийнинг “Мажмуату-ш-шуаройи Ферузшоҳий” ва “Мухаммасот”, Пўлатjon Қайюмовнинг “Тазкираи Қайюмий” тазкираларида Мирзо ҳаёти ва адабий фаолияти ҳақида айрим маълумотлар, шоирнинг ғазал, мухаммас, мустазод ва мураббаъларидан намуналар келтирилади.

II бобнинг “Мухаммад Расул Мирзо девонининг жанрий таркиби” номли 2-фаслида шоир девонидаги жанрлар кўлами, жойлашиш тартиби ва мисралар миқдори қуйидаги жадвалда кўрсатилди:

№	Жанрлар тартиби	Сони	Мисралар
1	Ғазал	196	3038
2	Мухаммас	26	1085
3	Мусаддас	2	84
4	Қасида	2	240
5	Рубоий	26	104
6	Таърих	6	90
7	Маснавий	3	32
8	Мураббаъ	1	28
9	Мустазод	1	28
		Жами	4729

Мирзо шеърятининг салмоқли қисми ғазал бўлиб (196), улар, асосан, 7 ва ундан ортиқ байтдан иборат. Ғазаллар туркий арузнинг нисбатан фаол бўлган рамал ва ҳазаж баҳрларида ёзилган. “Дилбарим ойдур, бари дилбарлар ахтар, эй рафиқ”, “Ёр ман зорини ушшоқ ичра мумтоз айлади”, “Гулгун юзинг устида, эй жоно, мусалсал кокилинг”, “Тар ўлса эрди бир дилдорға ул гулузор ошиқ”, “Бу оқшом келди дилдорим қамар янглиғ шитоб айлаб”, “Ул пари макридин айру ўзга дилбардин не суд?”, “Эй сабо, айғил манга қоши камоним қайдадур?” мисралари билан бошланувчи ғазаллари шоир лирик меросининг ўз замонаси шеърятда тутган мавқеини белгилаш учун хизмат қилади.

Мирзо ғазалиёти учун хос хусусиятлар, тазмин ғазаллар яратишдаги ўзига хос ёндашув, масалан, қофиянинг тамомила, радифнинг эса қисман ислоҳ қилинганлиги, радифни такрор қўллаш ва бу усул орқали фикр таъсирчанлиги ва мисра оҳангдорлигини ошириш эканлиги мисоллар орқали асослаб берилди.

Мухаммад Расул Мирзонинг салафлари ва замондош шоирларнинг ғазалларига битган мухаммаслари ва бошқа турли жанрдаги (мусаддас, қасида,

рубойи, таърих, мустазод, мураббаъ, маснавий) шеърлари орқали шоир истеъдоди даражаси белгилаб берилди.

Умуман, Мирзо мумтоз шеърятнинг ўнга яқин лирик жанрларида баракали ижод қилиб, ўзидан олдинги буюк салафларга муносиб издошлик йўлидан борди ва Хоразм адабий муҳитида етишган ижодкорлар орасида ўз ўрнига эга шоирлардан бири сифатида шуҳрат топди.

“Муҳаммад Расул Мирзо лирикасининг мавзу кўлами ва бадиияти масалалари” номли III бобнинг “Муҳаммад Расул Мирзо шеърятти мавзу кўлами” номли 1-фаслида Мирзо лирикасининг мавзу кўлами шартли равишда қуйидагича таснифланди:

1. Ишқий мавзудаги шеърлар. Мирзо лирик меросининг салмоқли қисми ишқий мавзудаги ғазаллар бўлиб, унда уч асосий мотив – маъшуқа сиймоси, ошиқнинг кечинмаси ва ҳижрон изтироби етакчи образ сифатида гавдаланади.

Мирзонинг аксарият ғазалларида маъшуқа портрети тасвирида гўзал ташбеҳларнинг қўлланиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Масалан, “Келур” радифли ғазалидаги “хуршид юз”, “жаллод кўз”, “ёри гуландом”, “рангин сухан”, “ханжар мижа”, “кофир кўз”, “қотил кўзу меҳробқош”, “хуро нишону маҳжабин”, “нозик андом” сингари оҳорли ўхшатишлар шоир ижодида кўплаб учрайди.

Ишқий ғазалларда маъшуқа тасвири билан ошиқ ҳолати бир-бирини тақозо қилади. Бунда ошиқ баъзан жафоқаш, ғамзада сифатида тасвирланса, баъзида висолдан хушнуд, ишқдан муроди ҳосил образ сифатида гавдаланади. Мирзо шеъряттида ошиқнинг ҳасрат ва надомат мотивлари устунлик қилади. Висолдан айро тушиш ошиқнинг сабру оромини олиб, чекаётган озорининг сабабкори:

Не янглиғ сабр этай ман зор ул дилдордин айру,
Чекарман юз туман озор хуш гуфтордин айру.[29^a]

Шу боис ҳижрондаги ошиқ батамом умидсиз, қайғуга ботган:

Дилдор захри ҳажридин билкулл эрурман коми талх,
Ҳам айши даврондур ҳаром, ҳам ишрат айёми талх. [9^b]

Бироқ бу изтироблар ҳам унинг учун лаззатли. Бутун борлиғи билан интиланганининг озорини ҳам хушнудлик билан қабул қилишга ҳозир.

Ёрдин еткан жафо айши фаровондин лазиз,
Ҳар наким бордур лазиз, улдур манга ондин лазиз.[9^b]

Бу эса унга озгина бўлса-да, умид бахш этади. У тонг саҳарда сабо орқали ёрга ўз ҳолидан хабар етказмоқчи. Сабо – тонгги майин шабада. Шеърятда поклик, мусаффолик тимсоли. Ошиқнинг ҳамрози сифатида рақиб образига қарама-қарши туради. Ҳижрон азобида қийналган ошиқ боди сабонинг ўз маҳбубасига мужда етказишига умидвор:

Эй сабо, қил кўнглим андуҳини жононимға арз,
Йўқки бу бемор ҳасбим ҳолин эт жонимға арз.[18^b]

Ғазал матлаъси Навоийнинг “Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт” мисраси билан бошланувчи ғазалини ёдга солади. Қолаверса, шоир сабога

арз қилар экан, бадий ниятининг рўёби учун ғазалнинг моҳиятига мос радифни қўллаш олган.

Умуман, Мирзо шеърлятида ишқ мавзуси, асосан, дунёвийлик характериға эға бўлиб, у шоир шахсий кечинмалари ва руҳиятининг тиник тасвири ифодаланишида самарали ўрин тутлади.

2. Ирфоний шеърлар. Шоир ижодининг салмоқли қисмини ташкил этадиган ирфоний асарлари сирасига ҳамд, муножот ва наът мазмунидаги шеърларини киритиш мумкин. Мирзонинг шу мавзудаги “Пайдо”, “Анга” радифли ғазаллари ва бир қатор мухаммаслари айни пайтга қадар мутлақо ўрганилмаган ҳамда нашр этилган кам сонли шеърлари орасидан ҳам ўрин олмаган.

Мирзо девони анъанаға мувофиқ “Пайдо” радифли ҳамд ғазал билан бошланади. Шоир бу ўринда Аллоҳ таолонинг “Асмой хусна” сирасидаги икки сифати – **ал-Аввал** (Зиҳи аввалки йўқдур аввалиға ибтидо пайдо) ва **ал-Охир** (Анингдекдурки, эрмас охириға интиҳо пайдо) сифатларини улуғлашдан бадий ният рўёби учун маҳорат билан фойдаланади.

Мирзонинг Оғаҳий қаламиға мансуб “Пайдо” радифли ғазалиға боғлаган мухаммаси ҳам ҳамд мазмунида яратилган. Тахмисда иймон-эйтиқодли банданинг Яратганға бўлган чексиз муҳаббати, шукронаси ва тавозуъси мадҳ этилади. Мирзо устозининг илғари сурган фикрларини, ирфоний қарашларини давом эттира олган. Бир қарашда тахмис ягона қалам остидан чиққан мустақил асар каби тасаввур беради. Шу ўринда яна бир жиҳатға диққат қаратиш лозим. Мирзо тахмис бандларида қўшилган уч мисранинг бошланиши (аниқроғи биринчи сўзи)ни айнан келтиради. Биринчи бандда “зиҳи” (“қандай яхши”, “қандай гўзал”) ундовининг икки ўринда қўлланиши байтға қўшилган учликлар шаклан бир бутунлик ҳосил қилиш билан бирға моҳиятнинг мукамаллиғиға хизмат қилган.

Профессор Н.Жабборов эйтироф этганидек, “Муножот–ўз моҳиятидан огоҳ инсоннинг Яратганға илтижоси. Ундан бошқа ҳеч кимнинг ҳузурида айтмайдиган иқрорномаси”³². Бу фикрни Мирзо шеърлятиға нисбатан ҳам қўллаш мумкин. ”Илоҳо” (11) радифли ва “Илоҳо, ғарқ ўлуб исён аро ман” (12) мисраси билан бошланувчи ғазалнинг ҳамма байти “Илоҳо” илтижоси билан бошланади. Ва, табиийки, шоир ҳар икки ғазалда бетакрор поэтик мазмун билан мукамал шаклни уйғунлаштира олган.

Мирзо ижодида “Беҳад салом онғаки, эрур шоҳи анбиё” мисраси билан бошланувчи наът ғазали ва “Эй ҳидоят авжи узра меҳр янглиғ жилвагар” мисраси билан бошланувчи мухаммаси мавжуд. Наът ғазалда ифодалангани каби ушбу мухаммасида ҳам асосан, ўзининг гуноҳкорлиғидан надомат қилиш, Муҳаммад с.а.в.нинг қиёмат кунида ўзи учун шафоатхоҳ бўлишидан умидворлик мотивлари етакчилик қилади.

³²Жабборов Н. Фуркатнинг хориздаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филол. фан. док-ри...дисс. – Тошкент: 2004. – Б. – 129.

Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Огаҳий, Комил каби шоирлар қатори Мирзо лирикасида ҳам одоб-ахлоқ мавзусидаги шеърларнинг энг сара намуналарини учратамиз:

Даҳр гулзори фаноси оламиға арзимас,
Бодаси кайфи хуморининг самиға арзимас.[17^а]

“Даҳр гулзори” – дунё гўзаллиги ўткинчи, инсоннинг умри бу дунёнинг ҳойи ҳаваслари учун соврилмаслиги лозим. Дунё бодасининг кайфи унинг хумори тутганда сенга етадиган заҳрига арзимади, дея шоир бу дунёнинг ўткинчилиги, юксак ахлоқ ва комилликка интилиш каби ғояларни ғазал мазмунига чуқур сингдирган.

Юсуф Хос Ҳожибдан бошланиб, Алишер Навоий ижодида такомиллига етган адолат ва одил подшоҳ ғояси Мирзонинг, асосан, маснавийларида теран мазмун ва юксак бадиий шакл уйғунлигида тасвирланган бўлиб, улар шоир билан ҳам давлат ишларида, ҳам бадиий ижодда маслакдош бўлган Муҳаммад Раҳимхон – Ферузга бағишланган. Шоир адолат ҳақидаги қарашларини қасида замирига ҳам сингдиради ва ўрни билан хонни адолатга даъват этади:

Бўлуб қасри иззатда соҳиб ҳашам,
Адолат саририға кўйғил қадам.[57^б]

Шоир хонни адолатга даъват этар экан, яна бир нозик жиҳатга ишора қилади:

Тилингда бўлуб зикри Ҳақ субҳу шом,
Адолат саририда тутғил мақом.

Яъни, сен адолат тахтида мақом тутар экансан, туну кун Ҳақ таолонинг зикри тилингда бўлсин.

Шоир ахлоқий-маърифий мавзуларда ўзига қадар яратилган асарларга муносиб жавоб айтишга ҳаракат қилди ва ўз қарашлари билан уларнинг кўламини бойитди.

3. Ижтимоий-маиший шеърлар. Мирзо қаламига мансуб айрим шеърлар хронологик хусусиятга эга. Жумладан, Мирзонинг айрим рубоийларида шаклан таърихга яқин ҳолат кузатилади, яъни унда маълум бир сана келтирилади. Фақат таърихдан фарқли ўлароқ, рубоийларида сана тўғридан тўғри ҳавола қилинади. “...Эрди сана минг уч юз яна ўн саккиз, Ҳам эрди муҳаррам ўни қилди таҳрир” мисраларида рубоийларнинг таҳрири, “Минг уч юз ўн секиз ўтуб ҳижратдин, Ўн тўқуз эди рабибул аввалдин ҳам” мисраларида Ҳофиз рубоийларининг кўчирилиш санасига ишора бор. Бошқа рубоийлари орқали Умар Ҳайём ва Саъдийнинг рубоийларини кўчирганлиги ойдинлашади. Бироқ “Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонасининг феҳристи”да Мирзо оққа кўчирган қўлёзмалар қаторида мазкур маълумот қайд этилмаган. Бу ҳам Мирзо ижодининг ўрганилиши муҳим бўлган масалалар қаторида туради.

Ўз даври адабий муҳитининг раҳнамоси Феруз эса ўзининг бир ғазалида XII асрдан Анварийю Хоқонийлар давридан бошлаб ўз замонасида ижод қилаётган шоирларга қадар санаб, Мирзонинг ҳам номини тилга олади:

Огаҳию Комилу Феруз, Холис, Чоқарий,

Рожию Мирзою Акмал, Мунису Хокий, Гулом³³.

